Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 26 июль, чоршанба • № 59 (10.735) • Эркин нархда сотилади

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## 1995 ЙИЛДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1995 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, пахта териш техникасидан фойдаланишнинг янги шаклларига ўтишни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўзмашсаноат» уюшмаси моддий-техника база пахта хомашёсини йиғиштириб олишга тайёрлаб қўйилишини шу йил 20 августгача тугаллашни ҳамда пахта йиғим-терим мавсуми юқори ташкилий даражада ўтказилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1995 йил пахта ва бошқали дон экинлари ҳосилини етиштириш ва давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 13 январдаги Фармонига мувофиқ пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши унинг харид ҳажмининг 40 фоизигача оширилганлиги, пахта толасига давлат буюртмаси эса 60 фоизгача пасайтирилганлиги ижро этиш учун қабул қилинсин.

3. 1995 йил ҳосили пахтасининг харид нархлари пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон нархларининг камида 60 фоизини ташкил этишидан келиб чиқиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўн кун муддатда пахта хомашёсининг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсинлар ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга етказсинлар.

4. Ҳосилни йиғиштириб олишда моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга пахта ҳосилини йиғиштириб олишда қуйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш тавсия этилсин: икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги 1 тонна бўлган пахта учун — камида 30 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 20 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун — камида 1 сўм 20 тийин. Йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар беш кунда ва 10 кунда ҳисоб-китоб қилинсин.

Хўжаликлар раҳбарларининг эътибори пахта териш учун энг юқори ҳақ юқори сортли пахта энг кўп териб олиниши учун теримчиларни рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда йиғим-терим мавсумининг бошидан бошлаб белгиланиши кераклигига қаратилсин.

Марказий банк, «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Мевасабзавотбанк» теримчилар билан, шунингдек, пахтани юклаш, транспортда ташиш ва жойлаштиришда, пахта териш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоблар қилиш учун хўжаликларни нақд пул билан таъминласинлар.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Ўзкимёсаноат» уюшмаси (Юсупбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хўжаликларга дефолиантлар келтиришни ва ғўза баргини тўкишни белгиланган ҳажмларда ва муддатларда ўтказишни таъминласинлар.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Рафиқов) «Ўзагрокимёсервис»уюшмасининг буюртмалари бўйича ғўза баргини тўкиш учун етарли миқдорда самолётлар ва вертолётлар ажратсин, зарур ёқилғи захиралари ташкил этсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Шу йилнинг 20 августига қадар пахта териш техникасини тўлиқ тайёр ҳолга келтирсинлар, шу жумладан, машиналарни тракторларга тиркаш, юклаш-транспортда ташиш воситаларини тайёрлаш, териш-транспортда ташиш отрядларини механизаторлар ва тузатиш-хизмат кўрсатиш ходимлари билан бутлаш ишларини амалга оширсинлар. Хўжаликларда ва тузатиш корхоналарида двигателлар, узеллар ва агрегатларни, бошқа зарур материалларни айирбошлаш фондлари ташкил этсинлар. Ҳар бир пахта териш машинасини ишга қўйишнинг техникавий талабларига мувофиқ улар тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда комиссия томонидан қабул қилинишини ташкил этсинлар.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида уларни терим-транспорт отрядлари таркибида жамласинлар ва ишлашини ташкил этсинлар.

8. «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров) «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг буюртманомаларига мувофиқ ва хўжаликлар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича 1995 йилда 5000 пахта териш машинаси, шу жумладан, 1 октябргача 2000, шунингдек, тракторлар, прицеплар, кўсак териш машиналари ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни таъминласин.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) янги пахта териш машиналари базасида машина-трактор парклари ташкил этиш учун бу машиналарни Жиззах (800 та), Сирдарё (600 та) ва Қашқадарё (600 та) туман қишлоқ хўжалиги таъминот-тузатиш бирлашмалари балансига қабул қилсин, зарурат бўлганда хўжаликлардаги мавжуд машиналар ҳам уларга жамлансин.

9. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига — терим машиналари сотиб олишга;

«Ўзагрокимёсервис» уюшмасига — дефолиантлар, минерал ўғитлар ва пестицидлар сотиб олишга;

«Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси (Шаронов) пахта териш машиналарини тиркаш учун тракторларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг разнарядкалари бўйича хўжаликларга етказиб бериш учун Минск мотор ва Владимир трактор заводларидан 1000 тадан двигатель келтирсин.

12. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси (Зикриёев) йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар пахта етиштирувчи хўжаликларга харид қилинадиган пахта қийматининг 25 фоизигача бўлган миқдорда аванс берилишини таъминласин, суммасининг қолган қисми бўйича ҳисоб-китоб қилишни пахта тайёрлов пунктларига топширилгандан кейин мунтазам амалга оширсин.

13. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги 1995 йил ҳосилидан олинган пахтани қайта ишлаш жадвалини ишлаб чиқсин, бу ишни 1996 йил 1 июлдан кечиктирмай тугаллашни назарда тутсин.

14. «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров) ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) пахта териш техникасини мавсумга тайёрлашни тугаллашда хўжаликларга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун заводларни вилоятларга бириктирсинлар.

15. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) ёнилғи-мойлаш материаллари 1995 йил сентябрь-ноябрь ойларида қишлоқ хўжалигига ва пахта тозалаш саноатига йиғим-терим ва транспорт ишларини, кузги шудгорлаш ва кузги дон экинлари экишни узлуксиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳажмларда етказиб берилишини таъминласин.

16. Пахта терими мавсумига тайёргарлик кўришни туғаллаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

17. «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» ва «Ёғмойтамаксаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси қишлоқ аҳолисини ва пахта терими қатнашчиларини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этсинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Каримов) пахта йиғим-теримида банд бўлган ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини белгиласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги (Ҳайитбоев) ҳосилни йиғиштириб олиш даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат устлари, ёзувчилар ва шоирларнинг хўжаликларга боришларини назарда тутсин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 25 июль.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО ФЛОТИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат қудратини ва иқтисодиётини мустаҳкамлашда, халқаро ва ички қатновни таъминлашда ҳаво флотининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўп минг кишилик жамоаларининг, ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий хизматчиларининг ва ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг авиацияни, авиация саноатини ривожлантиришга ҳамда кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссасини назарда тутиб:

1. Август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флоти куни» этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 июль.

• *Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан*

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ ВИКТОР СТЕПАНОВИЧ ЧЕРНОМИРДИН



1938 йил 9 апрелда Оренбург вилояти Саракташ туманининг Чёрний отрог қишлоғида туғилган.

Қуйбишев политехника институтини, Бутуниттифоқ сиртқи политехника институтини муҳандис-технолог ва муҳандис-иқтисодчи ихтисослари бўйича тугатган. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1957 йилда бошлаган. Оренбург вилоятидаги Орск нефтни қайта ишлаш заводида чилангар, машинист бўлиб ишлаган, совет армияси сафида хизмат қилган.

1960—1962 йиллар — Орск нефтни қайта ишлаш заводида машинист, оператор.

1962—1966 йиллар — Куйбишев политехника институтида таҳсил олган.

1966—1967 йиллар — Орск нефтни қайта ишлаш заводида технология қурилмаси бошлиғи.

1967—1969 йиллар — КПСС Орск шаҳар қўмитаси инструктори.

1969—1973 йиллар — КПСС Орск шаҳар қўмитаси саноат-транспорт бўлими мудири ўринбосари, бўлим мудири.

1973—1978 йиллар — Оренбург газни қайта ишлаш заводида бош муҳандис ўринбосари, директор.

1978—1982 йиллар — КПСС Марказий қўмитаси оғир саноат бўлими инструктори.

1982—1983 йиллар — СССР газ саноати вазирининг ўринбосари.

1983—1985 йиллар — СССР газ саноати вазири ўринбосари. Тюмень вилоятида газ қазиб олиш бўйича Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси (Тюменгазпром) бошлиғи.

1985—1989 йиллар — СССР газ саноати вазири.

1989—1992 йиллар — «Газпром» давлат газ концерни бошқаруви раиси.

1992 йил май ойидан декабр ойига қадар — Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ёнилғи-энергетика мажмуи бўйича ўринбосари.

1992 йил декабридан — Россия Федерацияси Вазирлар Кенгаши Раиси.

1993 йилдан — Россия Федерацияси ҳукумати раиси.

Уйланган, икки ўғли бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.**

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

***22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.***

— Мустақиллик байрами қурилиш, юртимизни ободонлаштириш борасидаги ишларимизнинг ўзига хос намойишига айланмоқда, — деди И. Жўрабеков. — Бу йил ҳам байрамга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Тошкентдаги «Диснейленд»нинг ишга тушиши, пойтахт Эски шаҳар қисми гўзал қиёфага кириши, янги қурилаётган бозорлар, хиёбонлар, йўл ва кўприклар шулар жумласидандир. Вилоятларда ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳар бир ватандошимиз қалбида шукуҳ уйғотиши табиийдир.

Мажлис иштирокчилари Мустақиллик байрами муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтадиган халқ сайллари, маданий тадбирлар ва уларни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган вазифаларни муҳокама қилди. Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов байрам арафасида Тошкент шаҳрида фойдаланишга топшириладиган қурилиш иншоотлари ва байрам тантаналари ўтадиган асосий саҳналар қурилишининг якунлари тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, ташкилий масалалар юзасидан республика маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Республикамиз ғалла мустақиллиги учун*

## ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ҒАЛЛАКОРЛАР !

***Вилоятимиз ғаллакорлари катта зафар қучдилар. Давлат омборларига биринчи марта энг кўп — 216 минг тоннадан зиёд ғалла тўкилди. Мажбурият ошириб бажарилди. Бу — республикамиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшилган муносиб улушдир.***

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

***Республикамиз Президенти Ислом Каримов Тошкент вилояти ғаллакорлари, барча қишлоқ меҳнаткашларини улкан меҳнат ғалабаси билан қутлади. Ана шу қувончли воқеага бағишлаб 24 июль куни вилоят ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовинлари, бўлим ва бошқармаларнинг бошлиқлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, туманлар деҳқончилик-саноат бирлашмалари ва агрофирмаларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, хўжаликларнинг раҳбарлари, илғор ғаллакорлар вакиллари иштирок этдилар.***

***Йиғилишни вилоят ҳокими Э.М.Рўзиев очди ва Президентимизнинг вилоят ғаллакорларига табригини ўқиб эшиттирди.***

— Юртбошимизнинг табриги ғаллакорларимиз, қолаверса, вилоятимиздаги барча қишлоқ меҳнаткашлари қалбига қувонч бағишлади, — деди сўнгра ўз сўзида Э.М.Рўзиев. — Миришкор ғаллакорларимиз юксак ишончга муносиб меҳнат қилдилар. Давлат хирмонига 216 минг тоннадан зиёд ғалла тўкиб катта ютуққа эришдилар. Мажбурият анча ошириб бажарилди. Суғориладиган ерларда мўл ҳосил етиштирилиб, гектар бошига ўртача 31 центнердан ғалла ўриб-янчиб олинди.

Вилоятимиз ғаллакорлари эришган бу ютуққа Тошкент, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл туманларининг деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Қуйичирчиқлик ғаллакорлар 9900 гектар майдондан давлатга 25 минг 500 тонна бошоқли дон ҳосили топширдилар. Ҳосилдорлик 33 центнерни ташкил этди. Кўпгина туманлардаги хўжаликлар бундан ҳам юқори ҳосилдорликка эришдилар. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳар гектар ердан 43,2 центнердан, Зангиота туманидаги «Бўзсув» жамоа хўжалигида 43 центнердан, Бўка туманидаги С.Саймоқов номли жамоа хўжалигида 48 центнердан, Янгийўл туманидаги А.Ортиқов ва «Ниёзбош» жамоа хўжаликларида эса 40-42 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

— Бугун биз, — деди нотиқ, — ишни тадбиркорлик билан ташкил этган кўплаб ижрачи фермерларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар бундай юксак баҳога муносибдирлар. Ҳар гектар ердан 57 центнердан дон хирмони уйган Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг ижарачиси С.Усмонов, 53 центнердан дон ўриб-янчган шу тумандаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг ижарачиси С.Раимбердиев ва бошқалар ана шундай тадбиркорлар жумласидандир. Айниқса, ғалла комбайнларини маҳорат билан бошқариб, мавсумда ўз агрегатлари билан минг тонна атрофида дон янчиб берган фидойиларни астойдил шарафлаймиз. Умуман ғалла ўримида шижоат кўрсатган ҳар бир кишининг меҳнати муносиб тақдирга лойиқ.


Ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинлар экиш, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам сезиларли ўсишга эришиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Давлатга пилла топшириш режаси оширибажарилди. Сабзавот, гўшт, сут, мева ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш суръатлари бирмунча юқори. Бу йил вилоятимиз бўйича 400 минг тонна сабзавот, 70-80 минг тонна мева, 100 минг тонна узум тайёрлаш имконияти мавжуд. Эртаки ва мўл пахта учун кураш ғоят қизғин паллага кирди. Зарбдор 45 куннинг ҳар бир дақиқаси шижоатли меҳнатда қадр топиши керак.

Йиғилишда сўзга чиққан Янгийўл тумани ҳокими Й.Тожибоев, Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалигининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи И.Мажидов, Чиноз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигининг ижарачиси А.Раҳимбоев, Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг раиси А.Ўтамалиевлар эришилган меҳнат ғалабасига ўз жамоаларининг қўшган муносиб ҳиссаси, қўлга киритилган муваффақиятлар ва келгусидаги аниқ иш режалари ҳақида гапирдилар.


Президентимизнинг вилоятимиз ғаллакорларига мустақилликнинг тўрт йиллик байрами арафасида йўллаган табриги кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, — дейишди нотиқлар, — жорий йилни ҳамма соҳада меҳнат ютуқлари билан якунлаш асосий вазифамиздир. Шуни қатъият билан айтиш керакки, вилоятимиз қишлоқ меҳнаткашлари бу ишончни шараф билан оқлайдилар.

Йиғилиш сўнггида республикамиз Президенти номига миннатдорчилик хати қабул қилинди.

Йиғилишда Президент девонининг масъул ходими А. Маматов иштирок этди.



Ғалла — она заминнинг саховати.



# ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ҒАЛЛАКОРЛАР !

## ОМБОРДА ДОНИНГ БЎЛСА...

ҒАЛЛА—бу нон, ғалла — бу гўшт-сут, ғалла—маъмурчилик, ғалла бебаҳо бойлик. Ана шу бойликка ўзинг эгалик қилиб, ўз тасарруфингда бўлганига нима етсин! Ахир бежиз айтишмайди-ку, уйингда, омборингда дон-дунинг бўлса, кўнглинг тўқ, кайфиятинг чоғ, хотиржам бўласан. Демак, ишинг ҳам унумли бўлади, ўнгидан келади.

Афсуски, бизни узоқ йиллар давомида ана шу бойликдан сунъий равишда маҳрум этиб, мўте қилиб келдилар. Шу ҳақда ўйларканмиз, мушоҳада қиларканмиз Президентимиз Ислом Каримовнинг ғалла мустақиллиги учун кураши ҳам астойдил бошлаш юзасидан ўтказаётган чора-тадбирлари, сай-ҳаракатлари ҳозирнинг ўзидаёқ ажойиб самаралар бераётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Халқимиз ҳам бу соҳада дастлабки кунларданоқ астойдил иш бошлади. Буни бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Катта-катта суғориладиган майдонлар ғалла экинлари учун ажратилди. Фойдаланилмаётган имкониятлар ишга солинди. Ҳар бир туман, ҳар бир хўжаликда ғалладан мўл ҳосил олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Лекин, бу иш осон кўчмади, албатта. Чунки, тан олиш керак, одамларимиз ғалладан «чиқиб» қолишган эди. Бироқ, бошланган ҳайрли ишнинг келажаги ҳар биримиз учун салмоқли самаралар бериши, бозор иқтисоди шароитида ҳалқ турмуши фаровонлигини яхшилашнинг асосий йўлларидан бири эканлигини одамлар ўртасида тушунтиришга катта эътибор берилди.

Тўғри-да, ғалла эксанг, мўмайгина даромад ҳам оласан. Чорвани боқишга ҳам қийналмайсан. Озуқа, ем-хашак ўзингдан чиқади. Бир вақтлардагидек айни қиш чилласида тўрва-халтани кўтариб, оз-моз хашакдан қарашиб юборинг, деб ялиниб юрмайсан. Ҳозир нима кўп қишлоқда тегирмон кўп. Экдинг, ўрдинг, ўзингга тегишли тонна-тонна ғаллани ҳам ғамлаб қўйдинг. Марҳамат, зарур пайтда узоққа бормай, шу ернинг ўзидаёқ ун қилиб оласан, эҳтиёжингга ишлатасан. Демак, ғаллакорнинг кундалик тирикчилиги, рўзғори ҳам тайин бўлиб қолади.

Энг муҳими, ғалладан бўшаган ерларга икки, ҳатто, уч марта такрорий экинлар — сабзавот, картошка, карам ва бошқаларни экиб, рисоладагидек парвариш қилиб, мўл ҳосил олиш мумкин. Шу билан ота-боболаримизнинг анъаналарини тиклаган, уларнинг руҳларини шод қилган бўламиз.

Ана шу фалсафа, ана шу оддий ҳақиқат одамларнинг онгига чуқур сингдирилди. Улар ғалла мустақиллиги учун курашнинг асл моҳияти нимада эканлигини яхши англаб етишлари учун ҳамма ерда режали равишда ишга киришилди.

Дастлабки йилдаги йўл қўйилган камчиликлар, келгуси йил учун сабоқ бўлди. Деҳқонларимиз ундан тўғри хулоса чиқариб олдилар. Шунинг учун 110 минг гектар ғалла учун ажратилган майдонларга асосан ўтган йилнинг кузидаёқ ғалла сепиб қўйилди. Бу мўл ҳосилга қўйилган биринчи замин бўлди. Деҳқонларимиз, тажрибакорлар, мутахассислар иштирокида, уларнинг маслаҳати асосида кузги галланинг ўсиши ва ривожланишини доимо кузатиб бордилар. Белгиланган муддатларда агротехника тадбирлари амалга оширилди. Ҳар бир даланинг, экин майдонининг шароитига қараб озиқлантирилди, сув қуйилди. Вазифа анча жиддий, мураккаб ва шу билан бирга шарафли эди. Вақт ҳам қисқа. Шу туфайли имконият қидирилди. Қулай фурсат бой берилмади. Каттагина майдонларга — гўза пояси ҳали юлиб олинмаган далаларнинг эгатлари ораларига уруғ сепиб чиқилди. Тўғри бу усул бироз қалтис эди. Чунки, бир қиш мавсуми давомида гўзапоялар чиримаслиги, ўрим пайтида ҳалақит бериши мумкин эди. Бироқ, ҳар ҳолда кўзланган мақсадга эришилди. Ана шу гўза қатор ораларига экилган ғалла ҳосили ҳам анча мўл ва салмоқли бўлди. Табиий офатларга бардош берди.

Энг муҳим иш олдинда эди. Бу ўрим-йиғимни қисқа муддатларда якунлашдан иборат эди. Бу вазифани адо этишга астойдил тайёргарлик кўрилди. Энг аввало, мавжуд 568 та комбайнни таъмирлаб, ишга созлашга катта аҳамият берилди. Тажрибали механизаторлар танланди. Уларнинг малакаси, савияси яна бир бор синовдан ўтказилди. Иш икки сменада ташкил этилди. Ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда узилиш бўлмаслиги чора-тадбирлари кўрилди. Бунда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Мирёқубов бошлиқ штаб аъзоларининг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Штаб аъзолари ҳар куни ғалла майдонларида бўлдилар, ишнинг боришини кузатиб, қаерда қандай муаммолар пайдо бўлиб қолган бўлса, уни ҳал этиш, амалий ёрдам бериш чораларини кўрдилар. Ҳар беш кунда штаб аъзолари йиғилишиб ишга якун чиқариш билан бирга илғорлар кимлар, улар қандай қилиб яхши натижаларга эришяптилар, қолоқлар кимлар, нега улар оқсашяпти, сабаби нимада? Ана шундай масалаларни аниқлаб, ишни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб турдилар. Муҳими, бу тадбирлар қоғозда қолиб кетмасдан, амалга оширилди.

Ғалла ўрим-йиғимида қатнашаётган комбайнчилар ишини ташкил этишда моддий манфаатдорлик муваффақиятни таъминловчи асосий омил эканлиги ҳисобга олинди. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик ўз имкониятидан келиб чиқиб, комбайнчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг, уларни моддий рағбатлантиришнинг энг маъқул усулларини жорий этди. Комбайнчиларга мукофот пуллари, меҳнат ҳақлари билан бирга маҳсулот сифатида ғалла бериш ҳам қоида қилиб қўйилди. Шунинг учун жуда кўп комбайнчилар ўз агрегатларидан гоятда самарали ва унумли фойдаланиб, мўмай даромад олиш билан бирга тонна-тонналаб ғалланы мукофотга олишга муваффақ бўлдилар.

Ғалла бу ҳаммамизнинг моддий бойлигимиз. Уни қисқа муддатда ўриб олмасак, бир қисми нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ўрим-йиғим пайтида сеники, меники, деган гап бўлмаслиги зарур. Ҳамма ҳудудда иш ана шу зайлда ташкил этилди. Қўшнилар бир-бирларига ёрдам бердилар. Дейлик, Бўстонлик, Паркентда ғалла бироз кеч етилади. Шунинг учун ҳам бу туманларнинг механизаторлари ўзларида ғалла пишиб етилгунча, қўшниларига қарашиб юбордилар. Бу орада қўшниларнинг ғалласи ҳам етилиб қолади. Ана шунда қўшнилар уларга қарашиб юборишади. Ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик, ёрдам оқибатида муваффақият таъминланди.

Маълумки, 9 майда бўлиб ўтган кучли шамол, ёмғирдан сўнг каттагина майдонлардаги ғалла поялари ётиб қолди. Дарҳол комбайнлар, техникалар кириши қийин бўлган ғаллазорларнинг ҳисоби олиб чиқилди ва бу майдонлардаги ғалланы қўлда ўриб-йиғиб олиш учун умумий сафарбарлик эълон қилинди. Деҳқонлар бу сафарбарликка тайёр турган эдилар. Ўроқ, чалғи сингари асбоблар ҳозирлаб қўйилганди. Ғалла ўримида қатнашадиганларнинг меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўлашнинг турли хил усуллари белгилаб чиқилди ва у одамларга етказилди. Ҳар бир сотих ўриб олинган ерга қараб, маълум миқдорда пул тўланди. Айрим ҳудудларда режадан кейинги ўриладиган ғалла сомонини қўл ўримида қатнашадиганларнинг ўзларига беришга қарор қилинди. Оиланинг йиғим-теримда қай даражада иштирок этганлиги, қанча ғалланы ўриб берганлигига қараб, дон-дун беришга ҳам келишилди. Бу тадбирларнинг беками-кўст бажарилиши алоҳида назорат қилиб борилди. Шунинг учун ҳам қўл теримида қатнашган 25 минг одамнинг меҳнати гоятда самарали бўлди.

Шундай қилиб, ўрим-йиғим ишлари ниҳоясига етказилди. Лалми ва суғориладиган ерларни қўшиб ҳисоблаганда ҳар гектардан олинган ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 27 центнердан ошди. Суғориладиган ерлардан эса, 31 центнердан кўпроқ ҳосил олинди.

Тажриба яна бир бор шуни кўрсатдики, қайси туманда, қайси хўжаликда кузги ғалла октябрь ойининг биринчи ярмида экиб олинган бўлса, ўша жойда ғалла майсалари текис униб чиқди, яхши ривожланди, қиш-қировли кунларнинг совуғидан омон қолди. Натижада бундай майдонлардан ниҳоятда юқори ҳосил олинди.

Тошкент тумани ғаллакорлари минг гектар ерда ғалла етиштирган эдилар. Улар вилоятда биринчи бўлиб режаларини бажарганликларини маълум қилдилар. Ўрим-йиғимда Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Чиноз туманлари деҳқонлари ҳам пешқадамлик қилдилар. Жуда кўп хўжаликлар ҳосилдорликни кескин оширишга муваффақ бўлдилар. Масалан, Қуйичирчиқ туманидаги «Тошовул» жамоа хўжалигида 625 гектар галлазорнинг ҳар гектаридан 40 центнердан, Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигида 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олинди.

Айрим жамоалар ҳосилдорликда ниҳоятда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг С. Усмонов бошлиқ бригадасида 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 57 центнердан, С. Бердиқулов бригадасида 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56 центнердан, Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг А. Раҳимбердиев бригадасида 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53 центнердан ҳосил олинди. Бундай мисолларни яна бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Шундай қилиб, вилоят ғаллакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. 300 минг тоннадан ортиқ ғалла тайёрланди. Давлат буюртмаси 150 минг тонна қилиб белгиланди. Бу топшириқ 216 минг тоннадан ошириб бажарилди.

Ғаллакорларимиз ютуқларни мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқдалар. Ҳозирги кунда ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, сабзавот экилмоқда. Бу ишни ташкил этишда ҳам ҳар бир хўжаликнинг имконияти, ер шароити, деҳқонларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинмоқда. Хуллас, 80 минг гектар ерга такрорий экин—сабзавот экиш юзасидан белгиланган режани ҳам яқин кунларда бажариш учун деҳқонларимиз астойдил меҳнат қилмоқдалар, барча имкониятларни, техника воситаларини ишга солмоқдалар.

**Р. НУРМАТОВ,**
**Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.**

## МЕҲНАТИМИЗГА ЯХШИ ҲАҚ ОЛАМИЗ

МЕҲНАТДАН манфаат, рағбат муваффақиятга эришувнинг бош омили. Қаерда ишлаб чиқаришда юксак самарага эришилаётган, уюшқоқлик билан меҳнат қилинаётган бўлса, демак ўша ерда рағбат яхши йўлга қўйилган, одамлар ҳақида етарлича ғамхўрлик кўрсатиляпти. Келинг, яхшиси хўжалигимиз ғаллакорларининг бу йилги ютуқлари ва унга кафолат бўлган омиллар ҳақида гаплашайлик.

Ғаллакорларимиз туманда иккинчи бўлиб белгиланган давлат режасини бажардилар. 278 гектардаги ғалланинг асосий қисми қисқа муддатларда йиғиштириб олинди. Нобудгарчиликка йўл қўйилмади. Режага қўшимча яна 300 тонна ғалла тайёрлаш юзасидан бошланган меҳнат мусобақаси давом этмоқда. Бу йил ялпи дон ҳосилини 900 тоннадан оширишни ният қилганмиз.

Эришилган бу ютуқ жамоамиз аъзоларининг ғайрат-шижоати, меҳнатдаги кўтаринки кайфияти ва уюшқоқлиги натижасидир. Хўш улардаги бу кайфият қаердан, қандай қилиб пайдо бўлиб қолди? Бу ерда фақат биргина восита устивор. У ҳам бўлса, меҳнатга муносиб рағбатдир деб ўйлайман.

Ҳа, хўжалигимиз раҳбарлари ғалла ўрим-йиғими олдидан бу ҳақда жиддий бош қотиришди ва мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай ижтимоий муҳофазанинг изчил йўлини изламоқ топишди. Рағбатлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Шу ўринда мен комбайнчиларга кўрсатилган ғамхўрлик ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман.

Аввало, комбайнчилар ўрим-йиғим ишларига тўла шай ҳолда киришдилар. Учта комбайн жуда яхши созлангани учун мавсум мобайнида бирон марта ҳам бузилгани йўқ. Уларни малакали, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Олим Орипов, Ўрозали Мамбеков, Ҳамза Нолтоевлар бошқариб, кунда 8-9 гектар майдондаги ғалланы ўриб, янчиб беришга муваффақ бўлишди. Бу йилги шароит ва талаб ҳисобга олиниб, иш икки сменада ташкил этилди. Сменадошим Олим Орипов билан икковлон қисқа вақт ичида 300 тоннага яқин ғалланы ўриб, янчиб бердик. Ўн кунлик мусобақа якунига кўра биринчи ўринни олиб, минг сўм пул мукофотини қўлга киритдик.

Мавсум бошланиши олдидан ғаллакорларнинг, шу жумладан, комбайнчиларнинг хонадонларига гуруч, гўшт, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилгани яхши самара берди. Рўзғоридан кўнгли тўқ комбайнчилар кечаю кундуз дала бошида ётиб қолиб, меҳнат қилишди. Кўчма шийпон, 3 маҳал текин иссиқ овқат ва қулай ётоқ ташкил қилинди.

Бу йил анчагина пул ишлаб, катта миқдорда дон-дун ҳам жамғарадиган бўлдик. Хўжалик бошқаруви қарорига кўра ўрилган ҳар гектар ғалла учун текинга 10 килодан ғалла ва 40 сўмдан ҳақ оламиз. Бу камида 6-7 минг сўм маош ва 1,5-2 тонна дон демакдир. Бор-йўғи 10-15 кун ичида қўлга киритилган бунча даромад ахир кимни қувонтирмайди, дейсиз.

**А. АББОСОВ,**
**Чиноз туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги механизатори.**

## БУҒДОЙЗОР ЎРНИДАГИ ПАХТАМИЗ ГУЛЛАДИ

Умрим бино бўлибдики, далани қўмсайман. Ер, экин билан тиллашганим-тиллашган. Пахта бамисоли ўз фарзандимдек бўлиб қолган. Тажрибада кўраверіб, одамнинг кўзи шунчалик пишиб кетар эканки, экин ҳам сендан ҳеч бир «сир»ини пинҳон тутмай қўяркан. Вақт ўтиб зироатлар табиби бўлиб қолганингни ўзинг ҳам сезмай қоларкансан. Шундай бўлса-да, билим ва тажриба жуда катта уммон экан. Бу йилги фаолиятимизга асосланиб шундай деяётирман.

Бултур кузда 10 гектар ерга дон сочдик. Куз ва баҳорда ғалла майдонларини уч марта суғордик, талабга қараб озиқлантирдик. Бошоқлар кўнгилдагидай сердон ва салмоқли бўлиб берди.

55 гектар майдондаги гўзамизнинг ривожи ҳам яхши. Ҳозирдаёқ ҳар тупда 8-9 тадан кўсак санаш мумкин. Насиб этса, ҳосилдорлик 30-35 центнердан кам бўлмайди.

Май ойи охирларига келиб ғалламиз пишди. Бор-йўғи икки кун ичида уни сарамжонлаб олдик. Гектар бошига 48 центнердан хирмон кўтардик. Далани тозалаб, пешма-пеш ҳайдов трактори солдик. Хўжалигимизда вилоят ғаллакорларининг мавсумолди маслаҳат кенгаши ўтаётган кун-25 майда биз мавжуд 10 гектар майдондаги ғалла ўрнига такрорий экин-пахтанинг «Юлдуз» навини экиб бўлган эдик. Ҳозир ғўзаларнинг ривожи яхши. Оби-тобида парвариш топаётган бўлиқ кўчатлар гулга кирди.

Ҳўш, бундан биз нима ютдик ёки ютамиз? Индаллосини айтганда, манфаатли томони жуда кўп.Биринчидан, ўримни қисқа ва ўз вақтида ўтказиб, ғаллани нобуд бўлишидан сақлаб қолдик. Иккинчидан, деҳқон учун гоятда қимматли вақтни тежаб қолдик. Такрорий экинларни анча эрта экиб олишга муваффақ бўлдик. Учинчиси ва энг асосийси, даромадимизнинг деярли икки ҳисса кўп бўлишига имкон яратилди. Бу ҳозирги иқтисодий қийин шароитда жуда муҳимдир.

**Адолат РЎЗИМАТОВА,**
**Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, меҳнат қаҳрамони.**



## ҚАДРИНИ ТОПМОҚДА

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ўзининг тўртинчи ёшини қаршилаяпти. Шу арафа кунларида минг бора шукроналар қилиб, гапириш керакки, шу йиллар ичида қишлоқларимиз, ҳаттоки, далаларимиз қиёфаси жуда ўзгариб кетди. Қишлоқ йўлларидан юриб, бу ажиб манзарага бир назар ташланг-а?! Ўнг ёнбошингизда ҳам ғалла, чап ёнбошингизда ҳам ғалла...

Янги давр, янги замонда яшаяпмиз. Аммо, яқин ўтмишимизни ҳали унутганимиз йўқ. Ўшанда, ҳатто, томорқамизга ҳам пахта экканимиз, пахта даласи уйимиз остонасидан бошланган эсингиздами?! Истиқлол ҳамма қусурларга чек қўйди. Натижада дастурхонимиз энг азиз ва табаррук неъмат — донга тўлди. Эндиликда у ўз муносиб ўрни, қадрини топди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган мамлакатимиз ғалла мустақиллиги учун кураш ўз самоғи ва салоҳиятига эришмоқда.

Ғалла мустақиллигига эришиш тамойили мўлжал гоятда тўғри олиниб амалга оширилмоқда. Буни узоққа бориб юрмай, туманимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу йил 9.600 гектар майдонда ғалла етиштирдик. Шундан 9 минг гектари суғориладиган, 600 гектари лалми ерлар. Бир вақтлар Бўкадек катта бир туманда бор-йўғи 800-900 гектарда, у ҳам бўлса, чекка партов ерларда ғалла етиштирилганини, гектаридан 4-5 центнердан дон олинганини эсласак, кишининг ишончси келмайди. Лекин, бу ҳақиқат.

Энг яхши суғориладиган сершҳосил ерлар, ҳатто, пахта экиб келинган майдонларнинг кўп қисми ғаллага берилиши иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, халқнинг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга ғаллакорларимиз меҳнати қадрини оширди, ғаллакор номи уста пахтакор номи каби баб-баравар эъзозлана бошлади. Яқинда уч беш кунликда ғолиб чиққан пешқадам комбайнчилар билан ҳокимликда бир пиёла чой устида ўтказилган давра суҳбатида ҳам ана шулар ҳақида гапирилди. Ғаллазор суворийлари муносиб шарафланди.

Туман ғаллазорларида мавсумда 74 та комбайн ишлади. Илғор механизаторлар кунда 7-8 гектар майдондаги ғалланы ўриб бериб хирмонга барака киритдилар. Жумладан, Й.Хожиматов номли жамоа хўжалигидан Рифқат Ҳисомиддинов ўз комбайни билан жами 180 гектардаги ғалланы ўриб, 600 тоннадан зиёд дон янчиб берди. Исабек Сафарматов эса, 90 гектардан зиёд майдондаги ғалланы ўриб, 300 тоннага яқин дон янчиб беришга муваффақ бўлди. Қўл ўримида 4,5-5 минг одам қатнашди. Олий ҳиммат хашарчилар кўмагида 1000 гектар майдондаги ғалла нес-нобуд қилмай, ўриб-йиғиб олиниди.

«Бўстон», С.Саймоқов, Навоий номли, «Баҳмал», Й.Хожиматов номли қатор жамоа хўжаликлари ўз режаларини анча ошириб бажарди. Мажбуриятлар ҳам зиёдаси билан адо этилди. Давлат омборларига 17 минг тонна ўрнига 21.650 тонна ғалла етказиб берилди.

Бу йилги ҳосилнинг чўғи ёмон эмас. Ҳамма майдонларга кузда ғалла экилгани, ғаллазорлар вақтида яхши парваришлангани ва майсаларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйилмаганлиги туфайли гектарларда мўлжалдаги мўл ҳосил жамғарилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ҳозирча туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 30 центнерданга тўғри келмоқда. Кўпгина жамоалар қўлга киритган юқори кўрсаткичлар бу борада жуда ибратлидир. Айниқса, И.Хожиматов номли жамоа хўжалигидан Абдусамад Маматов ва Маҳамат Жўраевлар бошлиқ бригада миришкорлари эришган ютуқ таҳсинга лойиқ. Бу бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 45-50 центнерни ташкил қилди.

Бугунги кунда туманда 84 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 6 таси ғалла етиштиришга ихтисослашган. Улар бу йил 625 гектар майдондан 1,600 тоннадан зиёд ғалла топшириб, туман дон хирмони баракасига муносиб улуш қўшдилар. Шарифжон хожи Валижонов бошлиқ, «Омонтўра» ва «Шодмон» сингари фермер хўжаликларида гектарлардан 45-50 центнердан ошириб дон ҳосили олинди.

Шароитга қараб иш тутган одам адашмайди. Ёки бошқача қилиб айтганда «қаловини топсанг — қор ҳам ёнади», деганлар. Ғаллакорларнинг юмуши ҳам осон эмас. Айниқса, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда у янада мушкулроқ кўринади. Аммо, ҳар бир муаммонинг ҳам ечими бор. Фақат унга калит топа билиш керак, холос. Биз мавжуд қийинчиликларни енгиш учун республика Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятимиз ҳокимининг ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик ва уни ўтказиш ҳақидаги қарорларига таяниб иш тутдик. Ўрим-йиғимни қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай ўтказиш ва ғаллакорлар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик.

Ижтимоий таъминот ва рағбат масалаларига жиддий эътибор берилди. Ҳокимият қарори билан ғаллакорларнинг оилалари марказлашган тарзда ўримга киришилмасдан олдин зарур миқдордаги ун, ёғ, қанд-шакар ва ҳоказолар билан таъминланди. Комбайнчиларга биттадан қўл соати тақдим этилди. Мусобақа юзасидан йил якуни бўйича ҳам аниқ тадбирлар белгилаб қўйганмиз. Ғолибларни ҳокимиятга таклиф қилиб, биринчи ўринни олган комбайнчига тантанали суратда чет элда чиқарилган 10 минг сўмлик рангли телевизор, иккинчи ўрин соҳибига — чет эл магнитофони ва учинчи ўрин соҳибига — радиола аллақачон тайёрлаб қўйганмиз. Совринлар ғолибларга мунтазир.

Ўрим-йиғим ишлари якунланмоқда. Аммо ҳосилдан бўшаган ғаллазорлар ўрнида аллақачон бошқа деҳқончилик юмушлари бошланиб кетган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ғалла ўрнига пешма-пеш такрорий экинлар экилмоқда. Ҳозиргача, минглаб гектар ерга картошка, карам, силос учун макка ва бошқа кузги сабзавот экинлари экилди. Жами такрорий экинлар майдони 2 минг гектарни ташкил этади.

Истиқбол режамиз ҳам аниқ. Бу йил кузда 10 минг гектар ерга ғалла экамиз. Келаси мавсум ана шу майдонлардан 35-40 центнердан дон хирмони кўтариш ниятидамиз. Бу — 30-35 минг тонна ғалла демакдир.

**Раҳмон САИДОВ,**
**Бўка тумани ҳокимининг биринчи муовини.**



● **ИЖАРАЧИ Тоғабой Хўжабоев бу йил 32 гектар майдонда мўл ғалла етиштириб, ҳар гектаридан 50 центнердан дон ўрибянчишга эришди. Бу кўрсаткич Пискент туманидаги «Пискент» жамоа хўжалигида энг яхши натижадир. Суратларда: (юқорида) Тоғабой Хўжабоев (чапдан учинчи) даласида айни ўрим-йиғим қизғин пайт; (пастда) буғдой сомони жамғарилмоқда.**

**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**

## АМАЛИЙ ИШ БИЛАН

ВИЛОЯТИМИЗ ғаллакорлари ўз режаларини шараф билан адо этганликлари тўғрисидаги хушхабар ҳаммамизнинг дилимизни ёритиб юборди. Бу — республикамиз ғалла мустақиллигига қўшилган муносиб ҳисса деб биламан.

Бизнинг жамоа хўжалигимиз аъзолари ҳам ўтган йил кузда хайрли ишга бел боғлаб, 220 гектар майдонга барака уруғи сепган эдилар. Агротехника қоидаларига оғишмай амал қилишимиз, бободеҳқонлар тажрибасини қўллашимиз, хўжалигимиз аъзоларининг катта саъй-ҳаракатлари туфайли улкан хирмон кўтардик. Давлатга режалаштирилган 230 тонна ўрнига 232 тонна ғалла сотишга муваффақ бўлдик. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 36 центнерни ташкил этди. Ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда.

Катта хирмонни одамлар яратади, дейдилар. Ишбоши Толиб Абдураҳмонов бошлиқ ғаллакорларимиз мазкур масала ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб, дастлабки кунлардан бошлабоқ мўл ҳосил етиштириш ниятида астойдил меҳнат қилдилар. Ислом Қувондиқов, Мусурмонқул Умаров сингари комбайнчиларимиз техникани ўз вақтида созлаб қўйганликлари боис ўрим-йиғим ишлари сифатли бажарилди.

Бугунги қувончли кунда мен вилоятимиз ғаллакорларини эришилган улкан ғалаба билан астойдил табриклагим, раҳмат сизларга, ризқ-рўз яратгувчи марди-майдонлар, дегим келади. Республикамиз Президентининг Тошкент вилояти ҳокимлигига, ғаллакорларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига йўлланган табрики бизларни деҳқончиликнинг барча соҳаларида янги-янги зафарларга руҳлантириши турган гап. Юртбошимиз табригига амалий иш билан жавоб берамиз.

**Қулаҳмад ИРИСБОЕВ,**
**Бўстонлик туманидаги «Паргос» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.**

## ТАШАККУР

ИШДАН кейин, кечқурунлари газета, журналларни кўздан кечиришга одатланганман. Қўлимга «Тошкент ҳақиқати»нинг 22 июль, шанба сонини олдиму, ундаги йирик ҳарфлар билан терилган «Тошкент вилояти ҳокимлигига, ғаллакорларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига» деган сарлавҳага кўзим тушди. Президентимизнинг вилоят аҳлини ғалла етиштириш борасида эришган ютуғи билан муборакбод этиб, йўллаган табрикномалари бир олим, ўқитувчи сифатида дилимни тўлқинлантириб юборди.

Ғалла — ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки, у нон сифатидаги кундалик, муқаддас неъматимиздир. Вилоят ғаллакорларига, уларга бош-қош бўлганларга, ўрим-йиғимда фаол иштирок этган комбайнчилар, ўроқчиларга минг раҳмат! Бу фидокорларнинг самарали меҳнати туфайли вилоятда катта хирмон бунёд этилди. Режа ҳам, қўшимча топшириқ ҳам ошириб бажарилди. Шу муносабат билан барча ғаллакорларимизни эришилган ғалаба билан табриклайман, уларга янгиянги муваффақиятлар ёр бўлаверсин!

**Манноб ОРТИҚОВ,**
**ўқитувчи, биология фанлари номзоди, Тошкент тумани.**

## ҚУВОНЧЛАРГА ШЕРИКМИЗ

Вилоятимиз деҳқонларининг дастурхонимизни тўкин қилиш йўлидаги фидокорона меҳнатлари қувончли натижасининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Улар давлат омборларига 216 минг тоннадан кўпроқ дон топширдилар. Бу вилоятимиздаги ҳар бир фуқаронинг қалбига олам-олам хурсандчилик бахш этди. Биз ҳам бу қувончларга шерикмиз.

Режа бажарилди, дейиш осон. Аслида ниҳоятда қийин ва машаққатли иш эканлигини яхши биламиз. Ахир вилоятимиз тарихида биринчи марта шунча ҳажмдаги ризқ-рўз уюлди. Ҳа, хирмонларимиз ғаллага тўлди. Бу вилоятимиз деҳқонларининг республика ғалла мустақиллигини таъминлаш юзасидан бораётган умумхалқ курашига қўшган муносиб ҳиссалари, йил бошида берилган ваъдага вафо қилганликлари намойишидир.

Шуни қувонч билан қайд қилмоқчиманки, бу меҳнат муваффақиятида озми-кўпми вилоят юк ташиш автомобил транспорт концернимиз жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Транспортчиларимиз етиштирилган мўл ғалла ҳосилини давлат омборларига ташишда фаол қатнашдилар. Жамоамиз аъзолари шундай қутлуғ ишда, фаровонлигимиз, тўқ турмуш тарзимизни таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлган бу хайрли юмушда қатнашганликлари билан фахрланадилар.

Биз вилоятимиз ғаллакорларини давлатга дон топшириш юзасидан берган ваъдаларини муваффақиятли бажарганликлари билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Меҳри дарё, сабот ва матонат намуналарини намойиш этиб, ғалла майдонларида жавлон ураётган меҳнатсеварларга сиҳат-саломатлик тилаймиз, ишларида янги-янги ғалабаларга эришишларига тилакдошмиз.

**Н.АБДУЛЛАЕВ,**
**«Тошвилюктранс» концерни фойдаланиш бўлимқ бошлиғи.**

*Ислоҳот одамлар учун ишлаши керак*

# ДЕКАБРЬ ИЮЛДАН БОШЛАНАДИГАН ЖОЙДА

*ИСЛОҲОТ ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада сезилиши лозим. Юртбошимиз ўзининг ҳар бир нутқида ислоҳотнинг асосий вазифаси халқ турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборатдир, деб бежиз такрорламайди. Бас, шундай экан, Чирчиқ шаҳрида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Аҳолига маиший-ижтимоий хизмат кўрсатиш аҳволи қандай? Махсус мухбиримизнинг Чирчиқ шаҳар турар-жойларга хизмат кўрсатиш корхонаси директори М.У.УКИБОЕВ билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.*

**— Мамадали Укибоевич, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш бирмунча қийин, айни бир пайтда, ҳайрли соҳалардан бири ҳисобланади. Маиший-ижтимоий хизмат деганда нимани тушунамиз? Асосий вазифаларингиз нималардан иборат?**

— Тўғри таъкидладингиз. Бизнинг хизмат соҳамиз қийинигина бўлиб қолмасдан, балки, бироз «хархашали» ҳамдир. Чунки, бир соат, бир кун, бир ойдан сўнг ҳар бир оилада қандай вазият бўлишини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди. Дафъатан чироқ ўчиб қолиши, газ келмай қолиши, ёхуд иссиқ сувли трубалар ишдан чиқиши мумкин. Шундай экан, бизнинг асосий вазифамизга шаҳардаги барча турар-жойларнинг савиявий ҳолатини тегишли даражада сақлаб туриш киради. Аҳолини газ, ичимлик ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш, электр қуввати, хонадонларни иситиш, канализация тармоқлари, уларни жорий ва тўла таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам бизнинг зиммамизда.

Беш юзга яқин турли мутахассисликка даҳлдор ходимларимиз шаҳардаги 160 минг нафардан зиёд аҳолига юқорида айтилган масалалар бўйича хизмат кўрсатишади. Олтита турар жойлардан фойдаланиш бошқармаларимиз ҳар дақиқа, ҳар соат, таъбир жоиз бўлса, шаҳар томирининг уришига сезгир қулоқ солиб туради, дейиш мумкин.

**— Давр талаби, ислоҳот, янгича ишлаш, деганларидек... Аввалги пайтлардаги билан кейинги кезлардаги иш услубларингизда фарқ борми? Қандай ўзгаришлар бўлаяпти.?**

— Фарқ от билан туяча. Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларидан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, бизнинг фаолиятимиз таркиби катта ўзгаришга юз тутди. Ўзгариш бўлганда ҳам яхши, ижобий томонга бурилиш бўлди.

Илгарилари турар-жойлардан фойдаланиш идоралари ўзларича иш юритар эдилар. Эндиликда уларни битта жисм деб аташ мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маълум 363-қарори асосида барча уйлардаги хонадонлар босқичма-босқич хусусийлаштирилмоқда. Масалан, 1994 йилда хизмат кўрсатишнинг 60 фоизи давлат, 40 фоизи аҳоли ҳисобидан бўлган бўлса, бу йил мутаносиблик эллиққа эллик бўлди. 2000-йилга бориб бутун жараён аҳоли зиммасига ўтади. Бу — уй-жойларнинг ҳаммаси одамлар ихтиёрига ўтган, яъни хусусийлашган, уларга маиший-ижтимоий хизмат кўрсатишнинг сарф-ҳаражатлари бевосита уй соҳиблари ҳисобидан бўлади, деган гапдир. Бу яхшими, ёмонми?

Ҳозирги босқичдаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, хусусий хонадонларда яшовчи одамлар ўз масканларини авайлаб-асрашга, жиҳозлар, электр, газ анжомларидан тежаб-тергаб фойдаланишга мойил бўлмоқдалар. Бундай хонадонларда «давлат уйларида»гиларга қараганда анча кам ишкаллар чиқмоқда. Хусусий уйдагилар иложи борича кам ҳақ тўлашга, қалтис вазиятларнинг олдини аввалдан олиб қўйишга, сув, газ, электр қувватининг қадрига етишга уринмоқдалар. Натижада ўтган йили жорий таъмирлаш ишлари режаси 138 фоиз бажарилган бўлса, 1995 йилнинг биринчи ярмидаги режамиз ҳозирнинг ўзидаёқ 115 фоизга адо этилди. Ёхуд яна бир мисол. Ўтган йили аҳолидан пул йиғиш режаси 68 фоизда қолиб кетган эди. Жорий йилнинг олти ойи ичида эса бу режа 53 фоиз бажарилди. Демак, йиллик якун кўнгилдагидек бўлади, деган ишонч бор.

Энди ишимиздаги ўзгаришларга келсак, Ислоҳот тамойиллари асосида ишлай бошлаганимиздан сўнг 200 ходим қисқарди. Корхонамиз қошида капитал-таъмирлаш устахонаси очилди. Аҳолига қўшимча бевосита хизмат кўрсатиш гуруҳи тузилди. Тиббиётда бўлгани каби тезкор ёрдам — ҳалокат-диспетчерлик хизмати фаолият кўрсата бошлади. Унда иккита махсус машина, икки нафар чилангар, бир нафар электрчи тун-кун навбатда туришади.

Энг асосийси биринчи июлдан бошлаб ишчи-хизматчиларимизга аҳолидан йиғиладиган маблағ ҳисобидан маош тўлашни йўлга қўйдик. Ишчиларимизнинг ойлик маоши тақрибан минг сўмга яқинлашди. Оқибатда ишнинг сифати яхшиланди.

Бизда декабрь июлдан бошланади, деган гап бор.

Бу— қишга ярим йилдан кейиноқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади, демакдир. Ҳали вақт бор, деб ғанимат кунларни бекор ўтказиб юбориш асло бизга тўғри келмайди.

Боқимандаликдан қутула бошладик. Эндиликда олма пиш, огзимга туш қабилида ишлаб бўлмайди. Шаҳардаги йирик саноат корхоналари, вилоятимиздаги бошқа шаҳар ва туманлар, турдош ташкилотлар билан мулоқотларимизни яхши йўлга қўйиб оляпмиз. Режалаш бўлими бошлиғи М.Очилова, ободонлаштириш бўлими бошлиғи Й.Мухторов, турар-жойлардан фойдаланиш идораси бошлиғи О.Шахобов, бош муҳандис И.Карганбоев, Н.Круглов, Р.Растигу, Қ.Анорқулов, Ш.Рисбеков, Э.Кучинская сингари ходимларимиз ишга муносабатларини тубдан ўзгартирганликлари туфайли эл розилигини бир қадар қозоняпмиз.

**— Тезкор ёрдам деган иборангизни шарҳлаб берсангиз?**

— Тезкор деган сўзнинг ўзи бу ҳатти -ҳаракатнинг мазмунини очиб турипти. Мисолларда буни яққол кўриш мумкин. Сўнгги икки-уч кун ичида бўлган воқеаларни олиб кўрайлик. 17 июль куни Мир кўчаси, 27-уй, 48-хонадонда яшовчи А.Поспехов кечқурун канализация тиқилиб қолганлиги, сув кетмаётганлиги ҳақида хабар қилган. Чилангар О.Нисонбоев, шофер Н.Дуйсебоевлар дарҳол йўлга чиқишиб, ярим соат ичида канализацияни «даволашга» улгуришган. Ёки шу куни биринчи кичик ноҳия, 43-уй, 27-хонадонда турувчи И.Светков ертўлада иссиқ сув трубаси ёрилиб кетганлигини телефонда айтган. Чилангар Р.Тошматов зудлик билан ноҳуш аҳволнинг олдини олган. Ёки 18 июль куни учинчи кичик ноҳия, 6-уй, 76-хонадон соҳиби И.Галенда тунги 22 да тепа шифтдан сув босаётганлигидан огоҳ қилган. Чилангар Н.Мирзабоев дарров бунинг чорасини кўриб, 23.00 да носозликни тузатган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда бир гапни айтиб кетай. Бир неча кун бурун «ЭКОСАН» халқаро экология жамияти биринчи ярим йилликда ободонлаштириш бўйича амалга оширган тадбирларимизни маъқул деб топиб, бизнинг шаҳримизга биринчи ўринни берибди, деб эшитдик. Албатта, бундай рағбатлантиришлар бизларни янги-янги муваффақиятларга руҳлантиради.

**— Раҳбар яхши бўлган ерда иш ҳам яхши кетади, дейдилар. Сиз бу гапга қандай қарайсиз?**

— Мақтаниш касалидан йироқ бўлмоқ керак. Бу ёмон иллат. Лекин, ҳар бир раҳбар ўз соҳасини яхши билиши, шу соҳада ишлашга маънавий ҳуқуқи бўлиши — бу бошқа масала. Ўз ишига масъулият билан виждонан ёндошган раҳбарнинг иши яхши юришади, деб ўйлайман. Мен деярли йигирма бир йилдан буён ўз касбимда ишлаб келаяпман. Политехника олийгоҳининг саноат фуқаролик қурилиши кулиётини 1974 йилда тугатганман. Ўз тизилмамизда турли лавозимларда ишлаганман. Кўчани ҳар қандай яхши фаррошдан дуруствроқ супураман, десам муболага бўлмас. Лекин, гап бунда ҳам эмас. Раҳбар одамлар ташвиши билан яшаши керак. Акс ҳолда бундай раҳбарнинг кераги йўқ.

**— Бўш вақтларингиз бўладими? Ўшандай пайтларда нималар билан шуғулланасиз?**

— Унча-мунча бўлиб туради. Ўғил-қизларим тарбияси, оилавий масалалар тўғрисида ўйлашга вақт топаман. Мен ўқитувчининг боласиман. Шарқ адабиётини севаман. Зеро, адабиёт кишини руҳан бойитади. Инсоният дунёсини теранроқ тушунишга ёрдам беради.


**— Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами яқинлашмоқда...**

— Ҳа, бу бизнинг энг улуг байрамимиздир. Тўйга тўёналар билан келиш халқимизнинг азалий одати. Бизнинг ҳам бу борада яхши режаларимиз бор. Улуг айёмни бизнинг жамоамиз муносиб кутиб олади, деб ўйлайман. Яқинда иккинчи қичик ноҳия, 6-уйда турувчи, маҳалла оқсоқоли Сойибжон ота Нишонов келиб жамоамизга ўз миннатдорчилигини билдириб, «барака топинглар, неки ният қилган бўлсанглар, барчаси ижобат бўлсин» дея дуо қилдилар. Ана шундай миннатдорчиликлар биз учун энг катта мукофот. Юртбошимиз илгари сурган «Туркистон-умумий уйимиз» деган гоя устиворлигига эришсак, ислоҳотларимиз халқимизга наф келтирса, шунинг ўзи улкан бахтдир. Бу йўлда ҳар бир ходим, ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро жонбозлик кўрсатмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир.

— Раҳмат!

— Эътибор учун ташаккур!


**Суҳбатдош У.РАҲИМОВ.**



● ЧИЛАНГАР И. Раффоров, компрессорчи Ҳ. Исмоилов, корхона директори М. Укибоев, механик У. Йўлдошев, бош муҳандис И. Карганбоев ишлаб чиқариш устахонасида иш режасини белгиламоқдалар.



● ИШЛАБ чиқариш бўлими бошлиғи (чапдан иккинчи) Л. П. Игуминова аҳоли билан суҳбатда.



● КОРХОНАнинг «қўли гул» дастгоҳчиларидан бири — Н. ХУДОЙҚУЛОВ.

Сураткаш Ш.ИБРОҲИМОВ.

# «ҚИЗИЛ ШАЛОЛА» ЯНГИЛИКЛАРИ

*Ҳозирги бозор иқтисодиёти ҳар бир соҳада, ҳар бир тармоқда ишлаб чиқаришга илғор тажриба, фан ютуқларини изчил жорий этиб, юксак самарадорликка эришишни, бунда тежамкорлик, иқтисодни, маҳсулот сифатини асосий мезон қилиб олишни тақозо этади. Қибрай туманидаги «Қизил шалола» тажриба хўжалиги деҳқонлари фермер хўжаликларига, ёрдамчи хўжаликларга, ҳаваскор чорвадорларга чорва озуқаси, экинларнинг серҳосил навлари уруғлари, зотдор, наслдор молларнинг бузоқларини етказиб беришни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади. Шу мақсадда хўжаликда чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари, мутахассислари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилиб, қатор тажрибалар ўтказилиб, озуқа экинларининг янги навларини яратиш, ҳосилдорликни кўпайтириш, шунингдек, чорва моллари зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан кейинги йилларда самарали ютуқларга эришилди. Бу тажрибалар, бу янгиликлар нималардан иборат?*

## ҚАНД ЖЎХОРИ ХОСИЯТИ

ХЎЖАЛИКДА каттагина майдонлар озуқа экинларини экиб ўстиришга ажратилган. Ҳар йили маккажўхорига Вахш соргоси қўшиб экиларди. Бу йил эса 30 гектар майдонга маккажўхори қанд жўхори билан қўшиб экилди. 20 килограмм маккажўхори уруғлиги, 12 килограмм қанд жўхори Руминия селекцияси ерга қадалди. Парвариш ишлари ниҳоятда яхши олиб борилди. Ҳар икки экин яхши ўсди, биринчи ўрим маккажўхори сўта чиқариб, қанд жўхори бош олганда ўтказилди. Бу иш июнь ойининг охиридан июль ойининг биринчи беш кунлиги даврига тўғри келди. Ниҳоятда хушхўр, чорва моллари зўр иштаҳа билан нишхурдга чиқармай ейдиган озуқа бўлиб чиқди.

Ана, энди ўриб олинган майдонларга сув қўйилди. Қанд жўхори парвариши бошланди. Бу иш ўз вақтида ва рисоладагидек амалга оширилса, қанд жўхори кайта ўсиб чиқаверади, совуқ кунлар бошлангунга қадар уни 3—4 марта ўриб олиш мумкин. Шундай қилиб, ҳар гектаридан 1000 — 1200 центнердан кўкпоя олинади. Уни молларга кўклигида ҳам едириш мумкин, сенаж, силос қилиб ҳам бостирса бўлади.

## ЎРИМ — БИР БОСҚИЧДА

БУ ЙИЛ, хабарингиз бор, вилоятимизда ҳам бошоқли экинлар ҳосили мўл бўлди. Агар кузатган бўлсангиз, кўп жойларда ғалла ўрилгач, унинг сомони ғарам-ғарам қилиб уйилиб турди.Пресс қилайлик дейилса, ип топилмади. Топилса ҳам қиммат. Начора, бозор иқтисоди-да.

«Қизил шалола»ликлар буғдойзорларни биратўла ҳосилдан бўшатиш йўлини топдилар. Улар бор техникаларни тўла қувват билан ишлатдилар. Бу техникаларга хўжалик мутахассиси Афзал Лутфуллаевнинг изланувчанлиги, механизатор комбайнчилар Ҳалил Муродов, Ҳабибулла Хошимовлар ёрдами билан ўрилган ғаллани янчадиган, сомонини тўдалаб юқорига майдалагич механизмига узатадиган мосламалар яратдилар. Натижада икки-уч босқичда бажариладиган иш бирйўла бажарила бошланди. Ғалла бир томондан ўриб янчилса, иккинчи томондан сомон майдаланиб, прицепларга жойланиб, керакли жойларга жўнатиб турилди.

Шу тарика иш анча жадаллашди, тиғизликка барҳам берилди. 202 гектар майдондаги ғалла қисқа вақтда ўриб-йиғиб олинди. Ҳар гектаридан ўртача 41 центнердан ҳосил олинди. Айрим жамоалар эса ҳосилдорликни анча ошириб юбордилар. Хусусан, Акмал Раҳимжонов бригадасида 38 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 56 центнердан ҳосил олинди.

Шундай қилиб, ғалладан эрта бўшаган далалар пешма-пеш ҳайдала бошланди. Иккинчи экин экишга киришилди. Ҳозирги кунга қадар 100 гектарга яқин майдонда маккажўхори, картошка, сабзавот экинлари экилиб, биринчи ишловдан чиқариб қўйилди. Пудратчи деҳқонлар қолган майдонларга ҳам мош, нўхот, ловия ва шу сингари экинларни экиб олишни мўлжалламоқдалар.

## СИЗГА САРА УРУҒ КЕРАКМИ?

ХЎЖАЛИК иқтисодини мустаҳкамлашда уруғчиликнинг аҳамияти катта бўлаяпти. Эндиликда кимга буғдой, маккажўхори, кенг бargли сулининг сифатли, кафолатли уруғи керак бўлса, ҳеч иккиланмай «Қизил шалолалик»ларга мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар. Чунки бу ерда уч-тўрт йилдирки, озуқабоп экинлардан, хусусан, буғдойдан ҳам сифатли уруғ тайёрланмоқда. Ҳар килограмми келишилган нархда сотилмоқда. Масалан, ўтган йили буғдой уруғининг бир килограмми 6 сўмдан сотилди. Бундай уруғдан 300 тонна тайёрланган эди. Айрим ҳолларда мавоза усулида қурилиш материаллари олиб келинди. 180 тонна «Ўзбекистон» навли маккажўхори уруғлигига ҳам харидорлар кўп эди. Бу уруғга айирбошлаш ҳисобига ўнбоп буғдой олинди. Ун қилиб, аҳолига тарқатилди. Сабзавот маҳсулотлари олиб келинди.

Келгуси йилдан бошлаб беда

***Илм ва тажриба***

уруғини тайёрлашга ҳам киришилади. Шу мақсадда пахта уруғчилиги тажриба базасидан элита беда уруғи олиб келинди.

## ЙИЛ БЎЙИ ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

СИГИРНИНГ сути тилида, деган мақолнинг маъноси шуки, жонивор ҳар қандай шароитда, фаслларнинг алмашиб туришидан қатъий назар доимо таркибида тўйимли озуқалар, витаминларга бой бўлган бир хил рациондаги озуқа билан боқиб турилса, сутини кўпайтирса кўпайтирадики, сира камайтирмайди.

Институт олимлари олиб борган кўп йиллик тажрибалар натижасида мажмуадаги молларни ёзда ҳам, қишда ҳам бир хил рацонда озиқлантириш технологияси ишлаб чиқилди ва у жорий этилди. Бу технологиянинг асосий моҳияти шуки, озуқа таъминотида асло узилиш бўлмайди. Ёзда ҳам КОРК—15 механизми мунтазам ишлаб туради. Майдаланган сомон, хашак, силос, кўк озуқа аралаштирилиб «палов» қилиб берилади. Қишда ҳам худди шу зайлда озуқа тайёрланади. Бу даврда кўк поя ўрнига лавлаги қўшилади. Бу хушхўрлигини янада оширади.

Озуқанинг тўйимли ширали бўлганлиги учун ҳам моллар уни иштаҳа билан ейди. Ҳозирги кунда ҳар бош соғин сигирдан ўртача 12 литрдан сут соғиб олинмоқда.

Озуқа сифатли, мўл ва ўз вақтида берилгани билан сигир зотли бўлмаса бундай натижаларга эришиб бўлмайди, албатта. Хўжаликда бу соҳада ҳам олимлар билан ҳамкорликда катта ишлар қилинди. 1992 йилдан бошлаб юқори маҳсулдор сигирларнинг бузоқлари ажратиб олиниб, махсус боқилди. 16-17 ойлигида 330 килограммга етказилиб, қочирилди. Бунинг оқибатида ниҳоятда серсут сигирлар етиштирилди. Айни кунларда айрим наслдор сигирлардан 27 ҳатто 30 килограммга етказиб сут соғиб олинмоқда.

Бу ерда ёш бузоқларнинг суткалик ўсиши йилдан-йилга ошиб боряпти. Тез етиляпти. Бу ҳам маҳсулдор сигирлар олишнинг омили бўлаётир.

Комплексда айни кунларда ҳаммаси бўлиб 1900 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 750 боши сигир. Мутахассислар малакаси, сут соғувчилар, молбоқарларнинг маҳорати ютуқларнинг гарови бўлаётир.

## ЧЕК УСУЛИ ЯНА ТИКЛАНДИ

ҲИСОБ-КИТОБ билан иш юритганга нима етсин. Бор маблағингни нимага сарфладинг, ундан қандай манфаат кўрдинг, чўнтагингда қанча пулинг қолди, энди бу пулни нималарга сарфласа яхши бўлади, билиб турасан. Бу жиҳатдан чек усулининг аҳамияти каттадир. Хўжаликда бу усулда иш юритишга 1984 йилда ўтилган эди. Лекин, айрим сабабларга кўра бу усул «ишламай» қўйди. Ҳозирги қийин бозор иқтисоди шароитида, табиийки, ҳисоб-китобнинг бу усулини жорий этишга эҳтиёж туғилиб қолди. Хўжалик раҳбарлари шуни ҳисобга олиб, шу йилнинг март ойидан бошлаб чек усулини чорвачилик, далачиликда янгидан тикладилар. 22 та ишлаб чиқариш цехида бу иш бошлаб юборилди. Ана шулардан 8 таси далачилик жамоасидир. Хўш, чек усулининг моҳияти нимада?

Буни бир бор эслаб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Бу усулнинг моҳияти шундаки, ишлаб чиқариш билан шуғулланган жамоага йил бошида керак бўладиган сарф-харажатлар: ойлик маош фонди жамғармаси, майда-чуйда харажатлар белгилаб берилади, маҳсулотнинг таннархи ҳам ҳисоб-китоб қилиб чиқилади. Шунга яраша маблағ ажратилади. Ана энди бу маблағдан қанча тежамли фойдаланилса жамоага шунча яхши. Агар эътиборсизлик қилиб ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилса, уларнинг ўзларига зиён. Шунга келишилдики, тежалади маблағнинг 70 фоизи йил охирида жамоадаги ишчи-хизматчиларга бўлиб берилади.

Бу усул кўпчиликка маъқул бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кўп жамоалар ҳисоб-китобни пухта йўлга қўйиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

***Биз хўжаликда жорий этилган айрим янгиликлар ва бу янгиликлардан кўрилаётган самаралар ҳақида ҳикоя қилдик.***

***— Қаерда илм ва тажриба уйғунлаштирилиб, ҳамкорлик амалий бўлса ўша ерда яхши натижаларга эришиш мумкинлигини биз ўз фаолиятимизда кўриб турибмиз. — дейди хўжалик раҳбари Мирза Куччиев. — Бундан ташқари, биз ўзимиздаги мавжуд техникаларни асраб-авайлаб ишлатишга, хўжалик манфаатларидан келиб чиқиб, қимматбўлса ҳам, барибир ўзини-ўзи оқлаши, бемалол қопланиши ва катта фойда келтиришини ўйлаб, хориждан бўлса ҳам янги, замонавий техникаларни сотиб олиб, ишлатишга катта эътибор бермоқдамиз.***

***Биз бунинг учун илмгоҳ олимларидан миннатдормиз. Вилоят, туман ҳокимлигидаги мутасаддилар ҳам у ёки бу янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этишда ҳамиша бизни қўллаб-қувватлаб муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериб келмоқдалар. Биз бундан буён ҳам олимлар билан ҳамкорликни тобора чуқурлаштириб, ўз ишимизда янги-янги ютуқларга эришиш учун ҳаракат қиламиз.***

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНДИ

*Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги*

ХАЛҚИМИЗНИ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда паррандачилик соҳасининг ҳам ўз ўрни бор. Бу соҳани ривожлантирмай туриб, эл дастурхонининг тўкинлигига эришиб бўлмайди.

«Ўртачирчиқ» паррандачилик фабрикаси жамоаси мана шу эзгу мақсад йўлида сидқидилдан меҳнат қилаяпти. Ҳозирги шароитда кунига 60 мингта тухум етиштирадиган барча жараёнлар автоматлаштирилган, электр токию сув ва ҳатто алмаштириш аниқ маромда борадиган бу фабрикани ишлатишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда ҳамма нарса ўз ўрнида ва ўз вақтида бажарилиши керак. Иш тартибидаги кичкина нуқсон ҳам катта йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Ҳа, бу жуда ҳам нозик соҳа.

Шу сабабли ҳам кўплаб жойларда паррандачилик фабрикалари фаолияти тўхтаб қолди. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, тадбиркор раҳбар Мираъзам Мирсоатов ва у бошлиқ аҳил жамоанинг тадбиркорлик ва уюшқоқликда иш юритаётганлиги туфайли вилоятдагина эмас, ҳатто мамлакатимизда ҳам энг йирик корхоналардан бири бўлган бу фабрика фаолияти тўхтаб қолмади.

— Фабрика учун танқис асбобускуналар, эҳтиёт қисмлар, зотли паррандаларни эмлаб туриш учун зарур бўлган дори-дармонларни ўз вақтида олиб туриш учун тинмай изланяпмиз, — дейди фабрика директори М. Мирсоатов.

Изланишлардан бири аввалларидек беда экиб келинган юз гектардан ортиқроқ ерда пахта етиштиришга ўтилганлигидир. Ҳозир «Гулистон» халқ корпорацияси билан ҳамкорликда бу майдонда пахта етиштирилмоқда. Олинган ҳосил толаси эвазига юқорида айтиб ўтилган муаммолар ҳал этиб келинмоқда.

Наслчилик масаласи ҳам доим эътибор марказида турмоқда. Уни бевосита фабриканинг ўзида йўлга қўйишга эришиляпти. Шу мақсадда бу ерда махсус цех очилган ва унинг тўла қувват билан ишлашига эришилганлиги туфайли асосий муаммолардан бирининг ҳал қилиниши таъминланди.

Ишчиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш масаласи билан муттасил шуғулланилмоқда. Шу йўлда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» паррандачиларнинг меҳнат шиори бўлиб қолди. Ҳамма аҳил ва иноқ оила аъзосидек бир тан, бир жон бўлиб ишлаяпти. Бу ўз навбатида ишда унумдорликка эришишнинг ҳал қилувчи омили бўлаяпти. Меҳнаткашларнинг ойлик маоши муттасил оширилиб борилаётганлиги, уларни ҳар тарафлама ижтимоий муҳофаза этилаётганлиги жамоада аҳилликни ва самарадорликни таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ишчиларга вақти-вақти билан гуруч, ёғ, тухум ва гўшт бериб турилибди. Бундан ташқари, уларга моддий ёрдам пули ҳам берилмоқда.

Фабрикага қарашли боғ ҳам ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ёрдам бермоқда. У йилдан-йилга кенгайтирилаяпти. Эндиликда 8 гектарга етказилган каттагина боғда олма, олхўри, шафтоли ва бошқа ноз-неъматлар ғарқ пишган.

Ҳозир фабрикада 350 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар бу йил эл дастурхонига 180 тонна гўшт, 28 миллион дона тухум етказиб беришдек эзгу ниятни кўзлаганлар.

Бош муҳандис Баҳодир Бердиев, нурчилар етакчиси Иван Шергер, товуқбоқарлар Валентина Тулепова, Елена Саидаметова, жўжабоқарлардан Азиза Ҳисамуддинова, Сония Бекмамбетова, бош зоотехник Юсуф Каримов, бригада бошлиғи Дарья Ким каби фидойи инсонлар шу мақсад йўлида виждонан меҳнат қилишмоқда.

Яқинда паррандачилик фабрикаси хусусийлаштирилиб, хиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши ишда туб бурилиш ясашига шубҳа йўқ.

**У. ҲАМИДОВ,**
**М. БОЗОРАЛИЕВ.**

# ҲАМОН ЭЪЗОЗДА

*Ишчилар сулолалари*

ИСРОИЛ ака Саидов номини Олимкент пахта тозалаш заводида ҳамон катта ҳурмат билан тилга олади-лар. Ҳозир бу фахрий ишчи меҳнат нафақасида бўлса ҳам қадрдон корхонасидан қадамини узгани йўқ. Жамоа ҳар бир аъзосининг яхши кунларида ҳам, ташвишли дамларида ҳам улар билан бирга, доим хизматда, юмушларига бош-қош. Якшигина ошпаз бўлгани учун ҳам корхонада уюштирилаётган барча тантаналару айёмларда катта қозонларда ош дамлайди. Қўли ширин бўлгани учун у тайёрлаган таом доим каттаю кичикка, кексаю ёшга маъқул бўлади.

Суяги меҳнатда қотган деган сўзлар шундай кишилар ҳақида айтилган бўлса керак. Ўн беш ёшидан меҳнат фаолиятини бошлаган у. Шушу бутун умри давомида фақат битта корхонада — Олимкент пахта тозалаш заводида ишлади; ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнат қилди. Пахта тайёрлаш ва тозалаш технологияси жараёнларининг ҳаммасини пухта эгаллади. Қайси участкада иш оқсайдиган бўлса ўша ерга ёрдам бериш учун юборилди. Ҳеч вақт йўқ демади, чунки қадрдон корхонаси, ўзини тарбиялаб улгайтирган жамоасига бўлган меҳр, унинг ютуқлари ва ташвишлари билан яшашга ўрганган қалби пок инсон бўлганлиги учун ҳам бирор марта топшириқни бажаришдан бош тортмади, доим ҳозиру нозир эди, «лаббай» деб жавоб берарди.

Ҳа, донгдор пахта тозаловчининг қадоқ қўллари тегмаган бирорта ҳам иш жараёни қолмаган десак муболаға қилмаган бўламиз. Дастлаб юкчилик қилди. Корхонада замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилгач чилангарлик касбини эгаллади. Тайёр маҳсулотларни тахловчи, жин цехида чилангар жинчи, пахта қуритиш цехида етакчи чилангар бўлиб ишлади. Меҳнат нафақасига чиқиш олдидан эгаллаган лавозими бригада бошлиқлиги эди.

Исроил ака нафақага чиққан бўлса ҳам, ука-сингиллари, фарзандлари шу корхонада унинг ишини давом эттирмоқдалар. Улар корхонанинг турли бўлинмаларида ўз устозлари каби ҳалол меҳнат қилиб, сулола шуҳратини оширишга ҳисса қўшмоқдалар. Укаси Исмоил ва сингляси Рисолатлар ҳам акаларига эргашиб, шу заводда ишламоқдалар. Катта ўғли Каримжон корхонанинг илғор бригадаларидан бириги раҳбарлик қилмоқда. Улар ҳам сулола бошлиғи каби жамоада катта обрўга эгалар. Ҳар соҳада ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Корхонанинг бир маромда ишлашида уларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Шунинг учун ҳам ишчи Саидовлар сулоласи доим жамоа эъзозида.

**Ҳ. АВВАЛОВ.**

## МАҚОМЧИЛАР КЎРИК ТАНЛОВИ

ТОШКЕНТ вилояти маданият ишлари бошқармаси томонидан мақом ижрочилари ва миллий халқ чолғу асбоблари дасталарининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда «Ҳосил», «Дугоҳ», «Наврўзи ажам» каби халқ мақоми дасталари билан биргаликда вилоятда янги ташкил қилиниб, тингловчиларга санъатларини илк бор ҳавола қилаётган Янгийўл шаҳрининг «Сарвиноз», Бекобод шаҳрининг «Наврўз», Янгиобод, Паркент ҳамда Ўртачирчиқ туманларининг дасталари қатнашдилар.

Кўрик-танловда биринчи ўринни Зангиота туманининг «Ҳосил» ва Оққўрғон туманининг «Наврўзи ажам» мақомчилар халқ дасталари, учинчи ўринни Бўканинг «Дугоҳ» ва Бекобод шаҳрининг «Наврўз» мақомчилар дасталари эгалладилар.

Якка хонандалар ва созандалар бахсида биринчи ўринни ўртачирчиқлик ҳаваскор хонанда Санобар Сатторова ва Бекобод туманидан созанда-ғижжакчи М. Миррахимовлар, иккинчи ўринни зангиоталик М. Мирмаҳмудов ва янгийўллик Э. Мамадалиевлар, учинчи ўринни эса бекободлик У. Ҳалиловлар қўлга киритдилар.

Ғолибларга эсдалик совғалари ва ёрлиқлар топширилди. Янгийўл шаҳридаги Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов раҳбарлик қилаётган «Сарвиноз» мақомчилар гуруҳи «Халқ дастаси» унвонига тавсия қилинди.

Яна шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, вилоятимиз вакилларидан ташкил топган мақомчилар дастаси Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб қайтдилар.

**Ф. АМИРИДДИНОВА.**

*Мушоира-95*

# ҲАМКОР ЯШАМОҚҚА ОДАМЗОД ҚОДИР



## МАШРАБ

**(Қўшиқ)**

*Машраб тили танглайида қотмаган,*
*Лоқайд боқиб пар болишда ётмаган.*
*Кўча-кўйда, беимон гап сотмаган.*
*Келажакка карвон тортиб ўтгандур.*

*Қайда булоқ кўрса кўчат ўтқазган.*
*Овул кезиб, жамбил райҳон тутқазган.*
*Асри асли, шоҳ Машрабга ютқазган.*
*Келажакка карвон тортиб ўтгандур.*

*Машшоқалар куйлашганда йиғлашиб,*
*Қирқ канизак жўр бўлганда эргашиб.*
*Қиз базимга Машраб дарди бирлашиб,*
*Келажакка карвон тортиб ўтгандур.*

*Қашшоқ йигит чўри қизга уйланса,*
*Чимилдиқда Машрабдан шеър сўйланса.*
*Оқил шоҳлар базмида-ки куйланса,*
*Келажакка карвон тортиб ўтгандур.*

*Оппоқхўжа осиб, сўнгра йиғлаган.*
*Машраб жонбахш дарёлигин биламаган.*
*Дорга боқиб, оломон зор куйлаган,*
*Келажакка карвон тортиб ўтгандур.*

*Неча авлод унинг номин дер, ҳамон*
*Неча авлод, ҳали куйлар, кўп замон.*
*Мангу кезиб, чарчоқ билмас, Машрабжон,*
*Келажакка карвон тортиб ўтгандур.*

## БАРЧАСИ ЭЛГА

*«Шошилмай юр, қоқиласан!» — деган, гапку бор.*
*Ва лек, жонбахш пойгалар ҳам керак экан гоҳ.*
*Нечун нола бозорига бўлмоқ харидор?*
*Қўшиғингга куй басталаб тургунда Оллоҳ.*

*Ножадаллик бўлса агар умр мезони,*
*Ерда ётган тўнкани ҳам қуртлар этар хок.*
*Гўё денгиз тошбақасин минг полапони,*
*Қумдан чиқиб сувга етмай бўлгандек ҳалок.*

*Ёвуз вулқон, довулга-ку йўқдир тоқатим.*
*Мувозанат тарозида «қўғирчоқбоз» — у.*
*У на дониш файласуфдир, ва на, ё, ҳаким,*
*Эзгуликлар оламига макруҳдир мангу.*

*Юрак ёниб турса-ю, вужуд паришон —*
*Бўлиб ётса, изин бериб асабиятга.*
*Айтинг ахир асрдошлар, қай шеърий камон,*
*Суст отилиб ета олган абадиятга?*

*«Камонбоз»лар сардорига айлаб тавалло,*
*Мир Алишер руҳи ичра ёниб борурман.*
*Ким бўлмасин, не деса дер, шоҳиддир Оллоҳ,*
*Энг зимистон дилларни ҳам, нурга қорурман.*

*Жонбахш нурлар моҳияти, — бунёддир, ахир.*
*Буюк бунёд саҳни аро, Ҳақ — бергай тузим.*
*Минг бир гўзал хонаси бор қаср қурсамда,*
*Нари борса, бир хонада яшарман ўзим...*

## БУРГУТЖОН

*(Авжи қишда дам олиш куни «Чимён» тоғига чиқиб, тоғ ёнбағрида оёққа «Чана тахта»ни боғлаб ҳордиқ олиб юрган эдик. Бўйнига осилиқлик дурбинни кўзга тутиб кузатган эдим, баланд тоғнинг ёнбағрида ҳайбатли бир тош панасига ин қўйган улкан бир бургут бошини чиқариб мусаффо борлиққа тикилиб турар эди! Ногоҳ қуйилиб келган ҳиссиёт селини ўшал бургутга атадим.)*

*Қағиллаган зоғларнинг шов-шувига чидарсен.*
*Изиллатган тоғларнинг совуғига чидарсен.*
*Бўронларнинг довруғ-у, довулига чидарсен.*
*Ватанингни шунчалар суйганмисан бургутжон.*
*Жон-танингни гаровга қўйганмисан бургутжон.*

*Вулқонларнинг пишқирган оловида тобландинг*
*Овчиларнинг асрлар, таловида тобландинг.*
*Саратоннинг дошқозони қайновида тобландинг.*
*Ватанингни шунчалар суйганмисан бургутжон.*
*Жон-танингни гаровга қўйганмисан бургутжон.*

*Мовий гумбаз бағрида, парвозинг минг салтанат.*
*Жисми-жонинг борича салтанатда бўл абад.*
*Ишқни сендан ўрганиб, яшар Турсун Муҳаммад.*
*Ватанингни шунчалар суйганмисан, бургутжон.*
*Жон-танингни гаровга қўйганмисан бургутжон.*

**Турсун МУҲАММАД.**

## БУ АЖИБ ДУНЁ

*Кимда мўғул хусни,*
*Кимда мовий кўз.*
*Қадимдан омухта бу ажиб дунё,*
*Кимда ҳинду қош-у, покистонча юз,*
*Кимда «Лимон» ранглиғ немисча қиё.*
*Қадимдан омухта бу ажиб дунё*

*Ҳатто Оврупода сонсиз, саноқсиз,*
*Ўзбакий қиёфа, ўзликни кўрдим.*
*Бундай ранг юзлари гўзал бўёқсиз,*
*Мунис кўзларида ўзбекни кўрдим.*
*Қадимдан омухта бу ажиб дунё.*

*Тупроқда илдизлар ётса чирмашиб,*
*Чарх аро қалблар ҳам экан минг пайванд.*
*«Сен анов, мен манов» десак адашиб*
*Бўлармиз дўстликни узиш билан банд.*
*Қадимдан омухта бу ажиб дунё.*

*Турфа ирқ бўлса ҳам чарх гардун аро,*
*Ибтидоси таноҳ Момоҳаводир.*
*Кибру ҳаволардин ёғмасин бало,*
*Ҳамкор яшамоққа одамзод қодир.*
*Қадимдан омухта бу ажиб дунё.*

*Мушоира-95*

## ЭНАМГА ДЕГАНЛАРИМ

*Эна, кароматгўй экансиз, эна,*
*Менга деганингиз келди ўнгидан.*
*Барчиной бўлмадим ҳаётда менам,*
*Алпомиш бўлмади топинганим ҳам.*
*Кетди кўзга тортган нафис сурмалар*
*Ишқ ҳақда тингладим ёлғон афсона.*
*Томиримда унсиз гуноҳ йўрғалар,*
*Қозиққа айланган орзуим, эна.*
*Барчиннинг кўйлагин кия олмадим,*
*Қара, кўйлагимда сохта ранглар бор.*
*Вафо денгизида суза олмадим,*
*Тўлқиндай елмади кумуш Бойчибор.*
*Яна тушдай бўлди — ўша болалик*
*Оқшомидай сокин, бегард туйғулар.*
*Қай бир гўшада у мисли сочпилик,*
*Қолиб кетди, ҳайҳот, тоза кулгудай.*
*Кўлимда ундирдим бир афиф гиёҳ,*
*Ҳар тонг шабнамларга чаяман юзин*
*Илло, илдизига ботмасин гуноҳ,*
*Ўзим қўриқлайин унинг илдизин!*
*... Эна, кўзингиздан чиқиб не бўлдим.*
*Омонат ипларга бесўз бойландим.*
*Олтин сўзингиздан чиқиб не бўлдим,*
*Сўлғин атиргулга айландим.*
*Билсам, кароматгўй экансиз, эна...*

## ЧОРЛОВ

*Кунлар ўтиб кетаверади,*
*Уни асло тўхтатиб бўлмас.*
*Ҳижрон онлар ўтаверади,*
*Бедор-бедор кутганинг келмас.*
*Чорраҳада тўхтаган каби,*
*Телбасимон чайқалар бошлар.*
*Кимга керак энди, азизим,*
*Кечиккан бу ғамгин кўз ёшлар.*
*Бизга одат сўнг пушмон чекиш,*
*Ёниб-ёниб ўтаверамиз.*
*Кўнглимиз ёш, кўнглимиз беҳиштт,*
*Лек улуғлаб кетаверамиз.*
*Асли ўзи бир тутам фано*
*Дайридаги хушнуд бу кунлар.*
*Сен-у, мен-да тан олмай эвоҳ,*
*Кўнглимизга соламиз мунглар.*
*Кел, яхшиси қувайлик ғамни,*
*Кимга керак ул машъум араз.*
*Одам олар тафтин одамнинг,*
*Ҳеч ким минг йил яшаган эмас!*

***

*Сиз-да яшаяпсиз ўзингизга тўқ,*
*Кўнглингиз хотиржам, бахтингиз тўкис.*
*Мавжланган қалбингиз тўлқинларда шўх,*
*Вужудингиз тўла оташнафас ҳис.*
*Мен-да бахтиёрман, лабимда ханда,*
*Бахтнинг этагидан тутганман маҳкам.*
*Шундай кўринамиз эвоҳ, аслида,*
*Умр дафтарида танқис... недир кам...*

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи,**
**Янгиобод шаҳри.**

## ТОШКЕНТЛИКЛАР УЧУН ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Тошкент Санъат саройида шаҳар маҳаллалари аҳли, гарнизон жангчилари ва ёшлар учун хайрия концерти бўлди. Бу тадбирни «Ёшлик-шоу» бирлашмаси дирекцияси концертга ҳомийлик қилган «Ист Баттерфляй» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси билан биргаликда уюштирди.

Томошабинлар учун лотерея ҳам ташкил этилди. Ютуққа Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасининг маҳсулотлари қўйилди.

— Биз ҳамиша Тошкентнинг турли ташкилотлари ўтказаётган хайрия тадбирларида иштирок этмоқдамиз, — дейди «Ист Баттерфляй» корхонасининг раҳбари жаноб Сампат. — Яқинда Ҳиндистонда чиқарилган «Маҳобҳорат» фильми буйича телетанлов ташкил этишда ёрдам бердик. Тошкент шарқшунослик институти ректорати билан биргаликда ҳинд тилини яхши билувчилар ўртасида мунтазам равишда танлов ўтказиб турамиз. Ўтган йили корхонамиз Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари гуруҳининг Ҳиндистонга сафари харажатларини кўтарди.

**(ЎзА).**

# ЭЪЛОНЛАР

**БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИ 1995—1996 ўқув йилига ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:**

Фортепиано, торли, нафасли ва урма асбоблар, халқ чолғу асбоблари, ашула, хор дирижёрлиги ва мусиқа назарияси.

МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА ЁКИ ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА, ҲАМДА БОШЛАНҒИЧ МУСИҚА БИЛИМИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари тегишли давлатлараро шартнома ва битимларда белгиланган шартлар ва тартибга кўра ҳамда индивидуал контрактлар асосида қабул қилинадидар.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

директор номига ариза, ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақида ва бошланғич мусиқа саводи ҳақида ҳужжатларнинг асл нусхаси, 086/У ҳажмидаги соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумотнома, 3х4 ҳажмидаги фотосурат (4 дона), паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

ХАЛҚАРО, РЕСПУБЛИКА КЎРИКЛАРИНИНГ СОВРИНДОРЛАРИ ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ 1995 ЙИЛ 20 ИЮЛГАЧА.

**Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Школьная кўчаси, 14-уй. Телефонлар: 2-46-04, 2-46-03.**

**Тошкент шаҳар радиотехника лицейи Сизларни 1995-1996 ўқув йили учун қуйидаги ҳунарлар бўйича ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Интеграл микросхема йиғувчиси, деталл ва асбоблар назоратчиси;
Радиоэлектрон ускуналар ва асбобларни мослаштирувчи, НУА (КИП);
Радиоэлектрон ускуналар ва асбобларни мослаштирувчи, НУА (КИП) чилангари;
Кенг тармоқли мутахассис тикувчилар 3 йил;
Ошпаз ва қандолатчилар;
Радиотелеаппаратураларни созловчи ва таъмирловчи 2 йил;
Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
9-11 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 1 йил, 2 йил, 3 йил.
9-синфни тугатганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.
11-синфни тугатганлар стипендия билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш тажрибасини ўташ даврида ўқувчилар маошларининг 50 фоизини оладилар.
Ўқиш даври умумий иш муддатига қўшилади
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, тиббий маълумотнома (086-Ф) 3х4 (6 дона) расм, турар жойдан маълумотнома, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.
Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 8 дан 16.00 гача қабул қилинади.

**Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 9-уй, 67-автобуснинг «АТХ-8» бекати, 83-автобус, 25-26-троллейбусларнинг 5-шаҳар болалар кўп тармоқли касалхонаси бекати.**

*СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ*

## БИРИНЧИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ УЧУН

Республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеа — 2-9 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган биринчи Марказий Осиё ўйинлари арафасида пойтахтимизга дўстларимиздан совғалар келмоқда. Мисол учун, Жанубий Корея Олимпиада қўмитаси боксчилар қўлқопи билан таэквондочилар учун либос юборди. Шу мамлакат дзюдо федерацияси эса, волейбол тўплари, биринчи Марказий Осиё ўйинлари рамзи туширилган икки мингта нишон ва рўйхатдан ўтиш бегиларини совға қилди.

Хитой Олимпиада қўмитаси юстадан волейбол, баскетбол, футбол тўпи, 300 жуфт спорт пойабзали, баскетбол бўйича Ўзбекистон терма командаси учун либослар юборди.

Халқаро Олимпиада қўмитаси биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш учун 100 минг Америка доллари ажратди.

Жанубий Корея Олимпиада қўмитаси бу ўйинлар учун компьютер ва факслар етказиб беришини маълум қилди. Шунингдек, Сингапур миллий Олимпиада қўмитаси ҳам ўйинларни ўтказишда ёрдам беришга ваъда қилган.

**(ЎзА).**

# ЎША... ТАРИХИЙ ЎЙИН

*1956 йили Ўзбекистон спорт тарихида улкан қурилиш ҳисобланган 55 минг ўринли «Пахтакор» ўйингоҳи фойдаланишга топширилиши катта байрамга айланганди. Собиқ СССР биринчилигида республикамиз спорт шарафини ўша кезлари «Спартак» жамоаси ҳимоя қиларди. Ана шу команда ўзагида янги «Пахтакор» командаси ташкил топди ва «Б» классида қатнаша бошлади.*

*Ўша йили Марказий ўйингоҳда Мельбрун Олимпиадасига тараддуд кўраётган СССР терма жамоаси билан «Пахтакор» футболчилари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилган, ўйин гарчанд олимпиадачилар фойдасига 11:1 ҳисобида тугаган бўлсада, мухлислар «катта футбол» кўришганидан хурсанд бўлгандилар. Мана салкам 40 йил ўтган бўлсада, кекса мухлислар қатори мен ҳам кейинчалик футбол оламида донг таратган ва ўзига хос из қолдирган Л. Яшин, Н. Симонян, Э. Стрельцов, И. Нетто, А. Парамонов, В. Татушин, А. Огоньков, В. Иванов сингари футболчиларнинг маҳоратини олқишлаган эдим. Яқинда «Аргументи и факти» ҳафталигида А. Волковнинг Никита Симонян ҳаётига оид мақоласини ўқиб, ўша 1956 йилда бўлган тарихий ўйин беихтиёр кўз олдимдан бирмабир ўтди...*

*«Сўнмас юлдузлар» рукни остида ушбу мақолани футбол мухлислари эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.*

**Ш. УМУРЗОҚОВ,**
**спорт шарҳловчиси.**

# ФУТБОЛГА САДОҚАТ

**1956 йили Мельбурнда ўтказилган Олимпиадада СССР футболчилари ғолиб келиб, олтин медалларга сазовор бўлгандилар. Ўттиз ёшли марказий ҳужумчи Никита Симонян финалда зўр маҳорат кўрсатиб ўйнаган, бироқ ўз совринини 19 ёшли ҳужумчи Эдуард Стрельцовга беришга қарор қилганди.**

ЎША пайтлардаги қоидага кўра медаллар ҳал қилувчи учрашувда иштирок этган ўйинчиларгагина бериларди. Стрельцов финалгача бўлган 4 та ўйинда қатнашганди. Симонян бўлса фақат битта — финал учрашувда иштирок этган эди.

СССР терма командаси «Грузия» теплоходида Австралиядан қайтаётганди. Никита Симонян бу совринга ундан кўра Эдуард Стрельцов кўпроқ сазовор эканлигини тушуниб, унинг ёнига келди-да, медални қабул қилиб олишни илтимос қилди. «Бўлмағур гапларни гапирма, медал сеники, унга сазовор бўлишда мендан кам ҳисса қўшмадинг, мен бу ҳақда эшитишни сира ҳам истамайман» деб жавоб қилди Стрельцов.

Симоняннинг отаси Погос Мкртичевич Туркияда туғилди. У ерда бошидан жуда оғир кунларни кечирди. Россияга қочиб келди. Сўнгра Армавирдан Сухумига ўтди. Погос Симонян шиппаклар тикиб кун кўрди, ўғли Мкртични шу касбга ўргатмоқчи бўлди. Тенгқурлари қатори кўча чангитиб футбол ўйнаб юрганида болалар уни Микита деб чақирардилар. Сўнгра эса Симонянни Москвага ўйнашга таклиф этишганда исми Никитага айланди. Москванинг «Крилья Советов» командасига оддий ўйинчи бўлиб келган Симонян мамлакат миллий терма жамоасига устозлик қилиш даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирда Россия футбол уюшмасининг вице-президенти бўлиб фаоллик кўрсатаётган Никита Симонян отасининг қўйидаги танбеҳларини бот-бот эслаб туради: «Бу безори ўйинингни қачон ташлайсан, Ахир, мен сенга пойабзал етказиб беролмаяпман-ку!»

Ўғлининг фойдасиз иш билан машғул бўлганидан ота гоҳо иккиланган ҳам. Мана, бир неча мисоллар: кунларнинг бирида у футбол ҳақида баҳслашаётган дам олувчилар олдидан ўтиб қолади. Кимдир «Спартак» мухлисига «Ана, Никитанинг отаси Симонян ўтиб кетяпти» деб қолади. Бошқа мухлис бунга аввалига ишонмайди, «Йўғе» дейди. Кейин эса қичқириб югуриб қолади. «Уни олқишлаш, олқишлаш керак» Погос Симонянни ушлаб олиб, осмонга ирғита бошлайдилар.

1946 йил баҳорида Никита Симонянни Москвага «Крилья Советов» жамоасида ўйнашга таклиф қилишганида Сухумидаги отасининг уйида тинтув ўтказилди. Сўнг отани қамоққа олиб кетишди. Кейин маълум бўлишича, ... шундай шарт қўйишибди: ўғлини қандай бўлмасин Грузияга қайтариши ва Тбилиси «Динамо»сида ўйнашини талаб қилишибди.

Никита Симоняннинг ўзини эса кейинчалик бир неча бор олқишлаб осмонга ирғитишган. 1973 йили Ереванда бу олқишлаш тантанаси бир неча кун давом этган. Ереванинг «Арарат» жамоасининг устози гавжум жойларда пайдо бўлди дегунча мухлислар қуршовида қолар, ишкибозлар уни ушлаб олиб, осмонга ирғитишарди. Никита Симонян ўшанда «Арарат»ни клуб тарихида биринчи ва энг охирги марта чемпионлик шохсупасига олиб чиққан ҳамда СССР кубоги ғолиблигига мушарраф қила олганди.

1948 йили «Крилья Советов» тарқатиб юборилгандан кейин Симонян «Спартак»да ўн бир мавсум тўп сурди. Тўрт марта мамлакат чемпиони бўлди, «Спартак» устози сифатида икки марта ғолиблик нашидасини сурди.

1951 йили Никита Симоняннинг «Спартак»ка содиқлиги жиддий синовдан ўтди. Ўша пайтда у ўз жамоаси билан Кисловодскда ҳордиқ чиқарарди. Москва Ҳарбий округи Ҳарбий Ҳаво Кучлари қўмондони Василий Сталин уни ўзининг махсус самолётида олдириб келди-да. Гогол хиёбонидаги ўз хосхонасида Ҳарбий Ҳаво Кучлари командасига ўтишга ва Всеволод Бобров билан «марказлашган иккилик»ни ташкил этишга кўндирмоқчи бўлди. «Сен менинг командамда ўйнашингга қасам ичдим. Мен ҳуда-беҳудага қасам ичмаслигимни яхши тушунасан-а». — деганди Василий Сталин.

Никита Симонян «Спартак»дан сира кетмаслик фикрида қатъий туриб олди. Ҳайриятки, кейинчалик бу раддиянинг ҳеч бир асорати бўлмади.

1951 йили моҳир ҳужумчи 34 та тўп киритиб, кўп тўпурарлар баҳсида рекорд ўрнатган ва у ўн йилдан ортиқ совет футболида энг юксак натижа бўлиб ҳисобланганди.

1983 йилда Лиссабонда Франция ҳакамининг СССР терма командаси дарвозасига мутлақо ноҳақ ўн бир метрлик жарима тайинлаганда (ҳакам кейин бу хатосини ўзи тан олганди) ва футболчиларимиз Португалия командасига 0:1 ҳисобида ютқазгандан кейин «волейбол»ни «волетбол» деб юргувчи совет спорти раҳбари Марат Грамов буйруқ бериб, Валерий Лобановский ва Никита Симонянни терма командага, ҳатто ўсмирлар терма жамоасига ҳам раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этганди.

Бироқ орадан икки ярим йил ўтгач, Валерий Лобановский, Никита Симонян, Юрий Морозов ва Сергей Мосягин яна совет терма командасини бошқардилар, Мексикада ўтказилган 1986 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этдилар, Сўнгра 1988 йили Германияда бўлган Европа биринчилигида СССР терма командасини чемпионатнинг кумуш совриндори бўлишига олиб келдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

Ўзбекистонлик Виктор Зайцев найзани 75,48 метр масофага улоқтириб, Португалиядаги халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Унинг командадоши Владимир Парфёнов 74,96 метр натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади.

## ОКСАНАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Тошкентлик гимнастикачи Оксана Чусовитина Германияда бўлиб ўтаётган «Улкан соврин» («Гран-при») учун халқаро мусобақанинг биринчи босқичида кумуш медални қўлга киритди. Ўзбекистонлик яна бир спортчи — Анастасия Жинзякнинг иштирокини ҳам муваффақиятли дейиш мумкин. У жуда кўп спортчилар иштирок этаётган бу мусобақада еттинчи ўринни эгаллади.

**(ЎзА).**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир муовини: **Раҳимберди УМАРОВ**

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0289. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6

Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси Зангиота тумани прокурори **Омон ОРИФЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Зангиота тумани ҳокимлиги туман прокурори **Омон Олимович ОРИФЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари, қариндош уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Тошкентавтойўл» давлат ҳиссадорлик Бирлашмаси Бошқарув раисининг муовини Абдусаттор КАРИМОВГА отаси **Абдусамат КАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.